

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ЙЎНАЛИШИДА ДУНЁВИЙЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ МАЗМУНИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11660953>

**Мухитдинова Феруза Абдурашидовна**  
ТДЮУ “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси профессори,  
юримдик фанлар доктори  
[feruza.mukhitdinova@gmail.com](mailto:feruza.mukhitdinova@gmail.com)

*Ўзбекистон — дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Халқимизнинг референдум орқали билдирган хоҳиш-иродаси, қатъий танлови ҳам шу!”*

**Шавкат Мирзиёев**

### АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат бошқаруви йўналишида дунёвийлик тамойилининг конституциявий-ҳуқуқий мазмуни таҳлил этилган. Муаллиф томонидан янгиланган Конституциянинг дунёвий давлат деган нормасига алоҳида эътибор берилган. Дунёвий давлат тамойиллари қиёсий-назарий жиҳатдан ўрганлиган ва Ўзбекистонда бугунги кунда дунёвий давлатнинг асосий жиҳатлари, аҳамияти ва тутган ўрни таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** давлат, дунёвий, тамойил, мазмун, аҳамияти

### КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВОЕ СОДЕРЖАНИЕ ПРИНЦИПА СВЕТСКОСТИ В НАПРАВЛЕНИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ

**Мухитдинова Феруза Абдурашидовна**  
профессор кафедры "Теория государства и права" ТГЮУ,  
доктор юридических наук  
[feruza.mukhitdinova@gmail.com](mailto:feruza.mukhitdinova@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируется конституционно-правовое содержание принципа светскости в сфере государственного управления. Особое внимание автор уделит норме обновленной конституции о том, что речь идет о светском государстве. Принципы светского государства были изучены в сравнительно-

теоретическом плане, и сегодня в Узбекистане анализируются основные аспекты, значение и роль светского государства.

**Ключевые слова:** государство, светскость, принцип, содержание, важность

## THE CONSTITUTIONAL AND LEGAL CONTENT OF THE PRINCIPLE OF SECULARISM IN THE DIRECTION OF PUBLIC ADMINISTRATION

**Mukhitdinova Feruza Abdurashidovna**

Professor of the Department of Theory of State and Law at TSUL,

Doctor of Law

feruza.mukhitdinova@gmail.com

### ANNOTATION

*The article analyzes the constitutional and legal content of the principle of secularism in the field of public administration. The author paid special attention to the norm of the updated constitution that we are talking about a secular state. The principles of the secular state have been studied in comparative theoretical terms, and today in Uzbekistan the main aspects, meaning and role of the secular state are analyzed.*

*Keywords: state, secularism, principle, content, importance.*

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатдир.

Конституцияда белгиланган ушбу нормани ҳаётга тўла татбиқ этиш жамиятда виждон эркинлигини, қонун устуворлигини ва ижтимоий адолатни, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини самарали таъминлашга ҳамда барқарор ривожланишга хизмат қилади. Демак, дунёвийлик тамойили деганда, энг аввал мазкур тамойилнинг конституциявий асосига эътибор қаратиш лозим. Конституция олий юридик кучга эга бўлган Давлатнинг Ўзбекистон Республикаси дунёвий давлатлигига оид конституциявий нормани тўлиқ рўйга чиқариш борасидаги мақсад, вазифалар, принциплар, устувор йўналишларни белгиловчи сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир. Шу жиҳатдан олганда дунёвийлик демократия, суверенитет, ҳуқуқийлик ва ижтимоийлик баробарида

Ўзбекистон миллий давлатчилигининг мазмун-моҳияти ва асосини ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда концептуал, муаммовий-мақсадли, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий-ҳуқуқий, формал-юримдик, мантиқий ёндашув, амалиёт натижалари ва жорий қонунчиликни таҳлил этиш, тизимлаштириш ва илмий билишнинг бошқа усулларидадан фойдаланилди.

### **МУНОЗАРА**

Шу билан бирга, замонавий Ўзбекистондаги дунёвий давлатни эндигина биринчи қадам ташлаётган кичик болага қиёслаш мумкин. Ўзбекистон, масалан, Франция, Англия, АҚШ, Германия ва 18-аср бошидан бери дунёвийлик йўлини тутган бошқа давлатлар каби кўп тажрибага эга эмас. Ўзбекистонда дунёвий давлатнинг шаклланиши ҳамда доимий кенгайиши, миллий қадриятлар асосида излаш, аниқ белгиланган давлат сиёсати билан ривожланмоқда.

Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий, дунёвий давлатни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш давлат органлари, институтлари фаолиятида, жамиятнинг сиёсий тизимининг фаолияти ва ривожланиши жараёнида юзага келадиган қарама-қаршиликларни аниқлаш ва бартараф этиш орқали амалга оширилади. Жумладан, давлат бошқарувига оид қарорлар қабул қилишда эътибор берадиган бўлсак, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор вазифалари бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларнинг ҳал этилгани, бунда энг аввал, халқимизнинг муносабати, тақриф ва фикрлари инобатга олинганининг ўзи ҳам демократик, ҳам дунёвийликни таъминлаган бўлса, иккинчидан, инсон манфаатларини таъминлаш, одамлар билан мулоқот қилиш, халқнинг дарду ташвишлари, ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш ва ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг, бош вазир ва вазирлар ҳамда ҳокимларнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилганининг ўзи ҳам конституциявий ислохотларнинг амалий ифодасидир.

Учинчидан, ҳар қандай мқҳим масала, муаммоларнинг ечими, қарорлар қабул қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ва давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги масъулиятининг ошганлигини халқнинг ўз амалда кузатмоқда ва баҳоламоқдаки, бу мезонларнинг ўзи ҳам дунёвийлик тамойилининг ҳаётини исботидир. Тўртинчидан, демократик сайловлар институти-ҳокимият муносабатларининг узлуксизлиги демократик, ҳуқуқий, дунёвий давлат ривожини учун алоҳида аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан ҳар бир инсон учун демократик, ҳуқуқий, дунёвий жамият руҳида сиёсий идеални шакллантириш, инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий, дунёвий жамиятни яратишда одамларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Зеро, демократик бошқарув сифатида халқимиз ўзи сайлаган парламент ва маҳаллий Кенгашлари депутатлари, халқ депутатларига очиқ муражжат этиш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда Электрон жамоавий мурожаат бериш имкониятидан фойдаланётганининг ўзи муҳим ислоҳотдир. Дунёвийлик тамйоилининг асосий мезони сифатида мазкур ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, жумладан, мурожаатлар билан ишлаш тизимининг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун фикримизнинг исботлайди. Демак, Ўзбекистонда бугун Конституциявий меъёрларни юзага чиқариш мақсадида тегишли қонунлар қабул қилинган, улар мунтазам такомиллаштирилмоқда.

Давлатнинг дунёвий табиати жамият ҳаёти масалаларини ҳал қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар ва давлат таълим ташкилотлари функцияларини бажариш дунёвий ҳуқуқ ва дунёвий дунёқараш асосида амалга оширилишини назарда тутди.

Эътиборли жиҳати, янгиланган Конституцияда давлат бошқаруви йўналишида дунёвийлик ҳақида норма қайд этилганидек, бу норма умуммиллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлигида умумжамят манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган фаолиятида кўриш мумкин. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳалар билан бир қаторда этник-маданий кадриятларни тиклаш ва ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда юртимизда 16 конфессияга мансуб диний ташкилотлар, 140 га яқин миллий-маданий марказ, олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг эътиқод эркинлиги кафолатланган, диний эътиқодни фуқаролар ёки уларнинг қонуний ташкилотларининг шахсий иши деб билиш, барча учун тенг ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш каби нормалар мустаҳкамланган. Фуқаролар диний байрамлар ва бошқа маросимларни эмин-эркин нишонламоқда.

Конституциявий нормага (1-модда) кўра, Ўзбекистон дунёвий давлатдир ва "дунёвий давлат" тушунчаси деганда дунёвий давлатда диний ташкилотлар давлатдан ажратилган (лекин жамиятдан ажратилмаган) ва қонун олдида тенгдир.

Дунёвийлик туфайли диний ташкилотлар давлат ҳокимияти органлари билан қарама-қаршиликда эмас ва бир-бирининг ички ишларига биргаликда

аралашмаслик тамойилига амал қилади. Давлатнинг асосий Қонунида диний ташкилотлар билан фуқароларнинг муносабатларининг ҳуқуқий асоси дунёвийлик тамойилига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Бу Ўзбекистон Конституциясининг 75-моддасида: “Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятига аралашмайди.

Давлат қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар фаолиятининг эркинлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар ва давлат органларининг фаолияти ўзаро аралашмаслик асосида амалга оширилади”-деган нормаларда қайд этилган. Мазкур конституциявий кафолатнинг ҳуқуқий асоси қонунда ҳам ўз аксини топган бўлиб, дунёвийлик тамойили бир-биридан ажралмас уч қадриятга асосланади. Булар:

1. Виждон эркинлиги;
2. Барча дин ва диний ташкилотларнинг қонун олдида тенглиги;
3. Диннинг сиёсатдан ажратилганлиги.

Ҳар бир дунёвий давлатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам динга бўлган муносабат муайян меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонунлар орқали тартибга солинади. Жумладан, 05.07.2021 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, Диннинг давлатдан ажратилганлиги белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар ва давлат органларининг фаолияти ўзаро аралашмаслик асосида амалга оширилади.

Давлат турли динларга эътиқод қиладиган ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ақидапарастлик ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Маънавий анъаналарни тиклаш ва сақлаш, маданий қадриятларни химоя қилиш, ёш авлодга ҳаётнинг ахлоқий асосларини сингдириш — булар диний ташкилотлар томонидан қўйилган асосий вазифалардир. Дарҳақиқат, кўп миллатли мамлакатимизнинг ижтимоий ривожланиши фақат маънавият, янги ахлоқий кўрсатмалар ва мақсадларни эгаллаш орқали мумкин. Шу билан бирга, диний ташкилотлар ўз фаолиятида юқори сифатли ҳуқуқий қоидаларга таяниши керак.

Дунёвий давлат тушунчаси ҳақида гап кетганда унинг мантиқий давоми сифатида ижтимоий давлат тушунчаси ҳам ҳамоҳангдир, бу тушунчалар бири-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Бу ҳақда “Ўзбекистон — дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади”, — дея таъкидлаган эди Шавкат Мирзиёев референдум якунларига бағишланган учрашувда. Давлат раҳбари мамлакатда ҳар қандай радикаллашувга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳеч қачон йўл қўйилмаслигини айтганини яна бир эслатиў жоиз деб билдим.

Давлат раҳбари бундан буён ҳам миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ҳар бир фуқаронинг виждон эркинлиги таъминланишини билдирди. Барча диний конфессиялар эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилиши, мамлакатда миллатлар ва конфессиялар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш сиёсати изчил давом эттирилишини қайд этган эди.

Гап дунёвий давлатнинг мазмун-моҳияти ҳақида кетар экан, Ўзбекистон Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб қайд этилгани асосида шунини таъкидлаш жоизки, мазкур конституциявий норманинг ҳаётий ифодасини жамиятда виждон эркинлигини, қонун устуворлигини ва ижтимоий адолатни, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини самарали таъминланишида кўриш мумкин. Албатта, мазкур ҳолатларни кўрган халқимизда бугун қонунларимизга ҳурмат, эртанги кунимизга ишонч ҳосил қилиши табиийдир.

Демак, дунёвий давлат ижтимоий ҳаётида диний эътиқодлар муҳим ўрин тутуди. Диний қадриятлар эса, тарихдан Ўзбекистон халқининг ижтимоий онги, шу жумладан маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, одоб-ахлоқининг шаклланиши ҳамда уларнинг авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтишига хизмат қилиб келмоқда. Юртимиз азалдан ислом илм-фани ва маданияти марказларидан бири сифатида эътироф этилади. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари кўплаб мутафаккирларимизнинг боқий номи ва бой мероси нафақат минтақамизнинг маънавий ривожига, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида муҳим ўрин тутуди.

Ўзбекистонда диний таълим тизими ўзининг қадим ва ўлмас анъаналарига эга. Масалан, ўрта асрлардаёқ Бухоро ўзининг мадрасалари ва уламолари билан

шуҳрат қозониб, ҳақли равишда “Ислом оламининг қуввати” унвонига сазовор бўлган. Самарқанд ва Бухорода Мирзо Улуғбек қурдирган мадрасалар ўрта асрларнинг университетлари вазифасини бажарган. Имом Бухорий, ат-Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Махмуд аз-Замахшарий ҳадису асарларини бугун бутун ислом олами тан олган ва ўрганиш истагида илмий мактаблар очгани айни ҳақиқатдир. Шу боис ҳам, ҳар қандай даврда диний эътиқодлар ва диний бағрикенглик, динларнинг асл инсонпарварлик моҳияти жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларидан бири бўлиб, Ўзбекистон халқини бирлаштирувчи ва яқдиллигига хизмат қилувчи, оилаларда ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамловчи асрий қадриятлар манбаидир.

Демак, дунёвий давлатда конституциявий-ҳуқуқий институтга айланадиган "виждон эркинлиги" тушунчасининг мазмунини ҳар биримиз чуқур англашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги миллий қадриятларини ривожлантириш, миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Фуқароларнинг эркин эътиқод қилиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилгани Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ва ўзаро бағрикенглик муҳитини таъминлашга хизмат қилаётгани қайд этилди. Халқаро миқёсдаги ҳужжатлар инсон ҳуқуқларининг турли соҳаларида, жумладан, дин ва эътиқод эркинлиги борасида ҳам қабул қилингани ижобий ҳолатдир. Чунки виждон эркинлиги инсон ҳуқуқлари таркибида ўзига хос ўрин эгалловчи муҳим ҳуқуқлардан саналади.

Жумладан, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун билан диннинг юксак маданият ва маънавият воситаси эканлиги, беқиёс ахлоқий-тарбиявий қудрати, шунингдек, инсонларни камтаринлик, камсуқумлик, ҳалоллик ва покликка ундовчи қадриятлари миллий қадриятлар қаторида қонуний тан олинди. Диний қадриятларнинг миллатлараро можаролар, қонли тўқнашувларни қаттиқ қоралаши, турли дин ва миллатдаги одамларни ўзаро биродар, аҳил бўлиб, тинч-тотув ҳаёт кечиришга даъват этиши каби омиллари ҳисобга олиниб, мамлакатимизда турли дин вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароит ва қулайликлар яратиб берилди.

Мисол тариқасида айтиб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистонда динга эътиқод қилувчилар барча диний байрамларни эркин нишонлашмоқдалар. Йилдан йилга мусулмонларнинг Рамазон ва Қурбон хайитлари, христианларнинг Пасха ва Рождество, яҳудийларнинг Пасха, Пурим ва Ханука байрамлари кенг қўламда нишонланмоқда.

Бундан ташқари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳар томонлама кўмаги орқали мусулмонлар Хаж ва Умра амалларини бажариш учун Саудия Арабистонига, христианларни Россия, Грецияга, яҳудийлар эса Исроилга зиёратга юборилмоқда.

Конституциянинг 1-моддасида Ўзбекистон бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида Конституцияда белгиланганининг ўзи ушбу норма Ўзбекистон халқини бирлаштирувчи ва яқдиллигига хизмат қилувчи, оилаларда ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамловчи жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларининг кафолатидир. Мазкур кафолатнинг амалий ифодаси сифатида бугун янги Ўзбекистонда масжид ва мадрасалар, черков ва ибодатхоналарнинг бинолари, нодир тарихий манбалар, осори атиқалар халққа қайтариб берилгани ва халқ хизматида эканлигида кўринади. Республикамизнинг турли ҳудудларида қад кўтарган бири-бирдан гўзал масжидлар мусулмонларимиз учун ажойиб ва бетакрор тухфа бўлмоқда. Улар қаторида пойтахтдаги “Минор”, “Ислом ота”, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги “Термизий” масжидларини қайд этишимиз мумкин. Урганч, Нукус каби шаҳарларда мусулмонларимизни ўзига чорловчи масжидларнинг қурилганлиги ва таъмирланганлиги диққатга сазовордир. “Ҳазрати Имом”, “Имом Бухорий”, “Баҳоуддин Нақшбандий”, “Имом Мотуридий”, “Ҳаким Термизий”, “Имом Термизий” каби буюк аждодларимизнинг мажмуалари”, Рус православ черкови “Свято-Успенск” кафедрал собори, Рим-католик черкови костели, Евангель-лютеранлар кирхаси ва бошқа диний объектлар тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилиб, кенг фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистоннинг ҳар бир қарич ерида муқаддас авлиёлар, қадамжолар борлиги маънавий бойлигимиздир.

Шундай экан, биз яшаётган Янги Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, унинг конституциявий асосида белгиланганидек, дунёвий давлат ижтимоий ҳаётида диний эътиқодлар муҳим ўрин тутди. Диний кадрлар эса Ўзбекистон халқининг ижтимоий онги, шу жумладан маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, одоб-ахлоқининг шаклланиши ҳамда уларнинг авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтишига хизмат қилган ва бундан кейин ҳам хизмат қиладиган Давлат.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2023 й.,
2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4179>.
3. Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.
4. Шавкат Мирзиёев: “Ўзбекистон — дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади”. <https://daryo.uz/k/2023/05/08>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакат Конституцияси қабул қилинган кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси
6. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) / Масъул муҳаррир: Б. Аҳмедов. — Т.: “Шарқ”, 2001. — 368 б. (95-бет).
7. Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқарув тарихи.-Т.: «Ўзбекистон миллий университети», 2012 йил. 121-б.

Интернет манзиллари:

8. <http://www.lex.uz>
9. <http://www.norma.uz>
10. <http://www.gov.uz>
11. <http://www.tsul.uz>
12. <https://regulation.gov.uz>
13. <http://minjust.uz>